



Истанбулда Андижон қатлиомининг 9 йиллиги муносабати билан халқаро конференция бўлиб ўтди

11 май, якшанба кuni Туркиянинг Истанбул шаҳрида Андижон қатлиомининг 9 йиллиги муносабати билан “Андижон қатлиоми ва Туркистоннинг кечаси, бугуни ва эртаси” номи остида халқаро конференция бўлиб ўтди.

Конференция Ўзбекистон Халқ Ҳаракатининг ҳомийлиги ва ташкилий кўмаги остида Туркистон бирлиги жамияти томонидан ташкил қилинди.

Халқаро анжуманда ҳорижий давлатлардан кўплаб меҳмонлар, шу жумладан, таниқли профессорлар, турли академик доираларнинг вакиллари ва турли ташкилотларнинг раҳбарлари иштирок этишди.

Хусусан, Россиялик машҳур файласуф ва сиёсий ислом соҳасида назарий олим, Россия Ислам Кўмитасининг раиси Ҳайдар Жамол, Туркия ёзувчилар бирлиги ташкилотининг раиси Меҳмет Дўғон, Тарихчи, тадқотчи профессор Нодир Давлат, (Истефодаги генерал) – АССАМ ва Садат жамиятининг раиси Аднан Тангриберди, Ўзбеклар бирлиги жамиятидан профессор Алибой Йўляхши ва бошқа инсон

ҳуқуқлари жамиятларининг раислари иштирок этишди.

Конференция иштирокчилари тоталитар режимларнинг табиати ва халқларнинг бундай режимларга қарши қайси йўллар орқали курашишлари кераклиги борасида муноқаша қилдилар.

Бундан ташқари, анжуман мобайнида собиқ иттифоқ ташкил қилинган даврдан бошлаб Туркистон халқларига нисбатан бир неча маротаба амалга оширилган қатлиомлар ва уларнинг бугунги кунда ҳам давом этиб келаётгани ҳақидаги фактларни кўрсатиб берувчи хужжатли фильм намойиш қилинди.

Шундан сўнг анжуманда қатнашаётган йирик олимлар ва турли соҳа вакилларининг чиқишлари давом этди.

Кўтарилаётган мавзуларнинг жиддияти нуқтаи назаридан анжуман жуда қизғин ва таъсуротларга бой бўлди.

Истанбулнинг 300 кишига мўлжалланган Боғларбоши Конференциялар зали қатнашчилар билан гавжум бўлди.

ЎХХ ахборот бўлими

Каримов 2015 дан кейин ҳам ҳокимиятда қолишига ишора қилди

Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов яқин келажакда истеъфога кетиш нияти йўқлигини билдирган.

Пайшанба кuni ўзи туғилиб ўсган Самарқанддаги халқаро анжуманда гапирган 76 ёшли Каримов олий лавозимдан кетишга шошилмаслигини айтган.

У ўзининг узоқ вақт ҳокимиятда қолаётгани билан боғлиқ танқидларни рад этган.

«Мени узоқ ўтирганим учун танқид қилишади», — деган жаноб Каримов хорижлик дипломатлар ва меҳмонларга қарата.

«Аммо мен ишлашни хоҳлайман. Бунинг нимаси ёмон?», дея хитоб қилган Президент Самарқанднинг Ислоний уйғониш даври илмий меросига бағишланган анжуманда.

Бу Ўзбекистонни чорак асрдан буён бошқариб келаётган Ислам Каримовнинг 2015 йилдан кейин ҳокимиятда қолиш-қолмаслик борасида ҳозирга қадар қилган биринчи баёнотидир.

Шу йил бошида соғлиги билан боғлиқ муаммолар ҳақидаги хабарлар Каримов ҳокимиятни топширишга тайёрланаётгани ҳақидаги фаразларга сабаб бўлган эди.

Эҳтимолий номзодлар қаторида унинг ҳозирда назардан тушган тўнғич кизи Гулнора Каримова, Бош вазир Шавкат Мирзиёев ва Миллий Хавфсизлик Хизмати раиси Рустам Иноятовлар тилга олинган.

“Қутилган” баёнот

1991 йилдаги биринчи президентлик сайловларида жаноб Каримовнинг рақиби бўлган таниқли шоир ва мухолифатчи Мухаммад Солиҳга кўра,

Президент Каримовнинг баёноти нафақат унинг ўзи, балки кўпчилик учун қутилган бўлган. «Мен ҳамма вақт Каримов токи ҳаёт экан, ҳеч

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

қачон ҳокимиятни бировга бериб қўймаслигини айтиб келганман. Бу унинг табиатига зиддир», - дейди мухолифатдаги Ўзбекистон Халқ Ҳаракати раҳбари.

Айни пайтда жаноб Солиҳ Каримовнинг яна бир муддат президентликда қолишини бу каби «жўн бир шаклда» эълон қилиши ўзи учун қутилмаган бўлганини айтади.

«Шунча йилдан буён давлатни Конституцияга амал қилмаган ҳолда бошқариб келаётган одам, 25 йилдан кейин яна ҳокимиятда

қолиш учун ҳеч бўлмаса, биронта жиддийроқ сабаб уйдириши керак эди. Аммо Каримов шуни ҳам қилмади», — дейди Муҳаммад Солиҳ.

Шу ҳафта бошида Ўзбекистон Марказий Сайлов Комиссияси навбатдаги парламент сайловларининг шу йил 21 декабр куни бўлиб ўтишини эълон қилган.

Президент сайловларининг аниқ санаси эълон қилинмаган, аммо таҳлилчилар мамлакат Конституциясига таянган ҳолда, президентлик сайловларининг 2015 йил мартада бўлиб ўтишини башорат қилишмоқда.

Ўтган йили Сенат президент сайловларини 2014 йил декабридан 2015 йилнинг биринчи ярмига қолдириш ҳақидаги ўзгаришни маъқуллаган.

Ўзбекистон Сенати шунингдек, Президент ваколатларининг бир қисми Бош вазирга берилишини назарда тутувчи конституциявий ўзгаришларни ҳам қабул қилган.

Қузатувчилар «конституциявий ислохотлар» дая тақдим этилган бу ўзгаришларнинг амалда Ўзбекистондаги яққаҳоқимлик бошқарувига таъсир кўрсатишини савол остига оладилар.

bbc.co.uk

Урганчда 14 ёшли мактаб ўқувчисини фоҳишалikka мажбур қилганлар жавобгарликка тортилди

Хоразм вилоятидаги ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар Урганч шаҳридаги исловотхона эгалари устидан жиноий иш очишган.

Ўзбекистон ИИВнинг «Постда» идоравий газетаси маълумотига таяниб 12news.uz нашрининг ёзишича исловотхона эгалари уч ой мобайнида 14 ёшли мактаб ўқувчисини фоҳишалikka қилишга мажбур қилишган.

Хабарда таъкидланишича мактаб ўқувчиси бўлган 14 ёшли қиз бир неча маротаба қочиб ҳаракат қилган, бироқ ҳар сафар қўлга олиниб қўшмачилар томонидан аёвсиз жазоланган.

«Мактаб ўқувчисининг исловотхонадан қутулишига илгари ушбу исловотхонада ишлаган ва кейинчалик қўшмачилар томонидан ҳайдаб юборилган бошқа бир қиз ёрдам берди. Ҳайдаб юборилган қиз ўз қишлоғига қайтиб келган заҳоти Хива тумани ИИБга мурожаат қилиб исловотхонадаги мактаб ўқувчиси ҳақида хабар берди», - деб ёзади 12news.uz.

Кейинчалик, фоҳишалikka билан шуғулланишга мажбур қилинган 14 ёшли қизнинг бир неча ойдир ўз яқинлари томонидан қидирилаётгани маълум бўлган. Исловотхона эгаларига нисбатан жиноий иш очилган ва ҳозирда тергов жараёни давом этаётгани айтилади.

UZBEK.FM

Жорий йилнинг 15 март куни Россиянинг Санкт-Петербург шаҳри Красногвардейский туманида ташқи қўриниши шарқона бўлган 5 ёшли қизча топилгани ва шаҳар милиция ходимлари унинг онасини излашаётгани тўғрисида Россия ОАВ хабар берганди.

Россия ИИВ Шаҳар бошқармаси маълумотига кўра қизчани йўловчилар пайқаб қолишган ва милицияга хабар беришган.

Берилган хабарларда қизчанинг исми Хурсият ва рус тилини яхши гапира олмаслиги ҳамда онасининг исми Замира эканлигидан бошқа ота-онаси ҳақида ҳеч нарса билмаслиги



Санкт-Петербург қўчалари бирдан топилган 5 ёшли қизча Ўзбекистонлик бўлиб чиқди

айтилганди. 1-апрель куни Россиянинг 100ТВ телеканали қизчанинг соғ-саломат эканлиги ва ота-онаси қидирилаётгани тўғрисида хабар берди.

4-апрель куни эса ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан қизчанинг онаси Пушкин қўчасида яшаган Зарипова Замира Аҳадовна эканлиги тахмин қилинаётгани, бироқ аёл билан боғланишнинг иложи бўлмаётгани тўғрисида хабар берилди.

13-майга келиб «БалтИнфо» нашрининг ёзишича қизчанинг асли Ўзбекистонлик экани ва яқин орада Ўзбекистонга депортация қилиниши маълум бўлган.

Петербургнинг ижтимоий сиёсат бўйича Қўмитаси раиси Елена Фидрикованинг сўзларига кўра, Ўзбекистон ижтимоий муҳофаза

органларига қизчанинг ота-онаси тўғрисида сўровнома юборишган, бироқ ҳозирча жавоб келмаган.

Ҳозирда қизча 1 апрелдан бери қолаётган «Транзит» меҳрибонлик уйи директори Марина Рябканинг қайд қилишича, қизчанинг онаси кимлиги ва қаерда яшаганлиги маълум. «Биз қизча онасининг асли Ўзбекистонлик эканини биламиз, бироқ у яшириниб юрибди. Шу сабабли ҳам ҳозирда қизчанинг қариндошларини қидириш билан Ўзбекистон томони шуғулланишмоқда», — дейди Рябко.

Унинг таъкидлашича аёлнинг фуқаролиги тўғрисидаги маълумот милиция томонидан олиб борилган тезкор қидирув фаолияти натижасида аниқланган.

ЎХХ ахборот бўлими

Ўш вилоятининг Қорасув шаҳрида Рашод қори Камоловга суиқасд қилиш ҳозирлашда гумон қилиб қўлган олинган шахснинг Ўзбекистон махсус хизматлари вакили эканлиги аниқланди, деб ёзади “24.kg” ахборот агентлиги. Бу ҳақда агентликка куч ишлатар тизимлардаги манба маълумот берган.

Олдин хабар берилганидек, 27 апрел куни соат тахминан 00:00 да Ўш вилоятининг Қорасув шаҳридаги



сўзларига кўра, у маҳаллий масжидлардан бирининг имоми Рашод Камоловга қарши суиқасд тайёрлаган.

Маълум бўлишича, қўлга олинган шахснинг кимлиги аниқланган. У 37 Б.А. бўлиб, Тошкент вилоятида яшаган. Илгари Ўзбекистон ИИБ ОМОН ходими бўлган.

Қирғизистон махсус хизматлари идорасининг билдиришича, мазкур шахснинг Ўзбекистон МХХ ходими эканини тасдиқлайдиган расмий

Қорасувда Рашод қорига суиқасд тайёрлаган шахснинг Ўзбекистон МХХ ходими экани аниқланди

кафелардан бирининг ёнида милиция ходимлари маст ҳолдаги бир шахсни қўлга олишганди.

Қўлга олиш вақтида у милиция ходимларига пичоқ билан таҳдид қилган ва қаршилик кўрсатган. Бироқ, милиция ходимлари уни қўлга олишга муваффақ бўлишган. Тинтув пайтида унинг ёнидан ўқлари билан бирга Макаров тўппончаси топилган.

Бундан ташқари қўлга олинган шахс яшириб қўйган ТТ тўппончасини ҳам милицияга топширган.

Кейинроқ қайд қилинишича, мазкур шахс Қирғизистон махсус хизматларига топширилган.

Бунга сабаб сўроқ пайтида у ўзининг Ўзбекистон Миллий хавфсизлик хизмати ходими эканлигини билдирган. Унинг

ҳужжатлар ҳозирча йўқ.

Ҳозирда унга нисбатан Қирғизистон Жиноят кодексининг 241 – “Ноқонуний қурол олиб юриш”, 346 – “Давлат чегараларини ноқонуний кесиб ўтиш” ҳамда 27-97- “Одам ўлдиришга суиқасд қилиш” каби моддалари билан жиноий иш қўзғатилган.

УХХ ахборот бўлими

Ўзбекистон солиқ қўмитаси уч нафар раҳбар ходимини ишдан олди

14 май куни Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат солиқ хизмати органлари раҳбарлари иштирокида Ҳайъатнинг кенгайтирилган селектор йиғилиши бўлиб ўтган. Бу ҳақда Давлат солиқ қўмитаси ахборот хизмати хабар тарқатди.

Муҳокамада марказий аппарат таркибий тузилмалари ва ҳудудий давлат солиқ хизмати органлари раҳбарларининг ҳисоботлари эшитилиб, фаолиятида камчиликларга йўл қўйган уч нафар раҳбар ходим эгаллаб турган лавозимидан озод этилган, 23 нафарига нисбатан тегишли интизомий жазо чоралари қўлланилган.

Йиғилишда 2014-йил 5-май куни қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги Қонуни асосида давлат солиқ хизмати органларида

амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар белгилаб олингани айтилади. Шу билан бирга, йиғилиш мобайнида Президент девонининг 2014-йил 5-майдаги 04/1-476-сонли хатида қайд этилган

нақд пул тушумларининг тўлиқ банк кассаларига топширилишини таъминлаш, нақд пул маблағларининг банкдан ташқари ноқонуний айланишини қисқартириш борасидаги камчиликларни бартараф этиш, шунингдек, белгиланган топшириқлар ижросини ташкил қилиш борасидаги вазифалар муҳокама қилинган ва бу бўйича ҳудудий давлат солиқ хизмати органлари раҳбарларига топшириқлар берилган.

Вазирлар Маҳкамасининг 2004-йил 1-ноябрдаги “Электр энергиясидан фойдаланганлик учун ҳисоб-китоб қилиш механизмини



тубдан такомиллаштириш чоратadbирлари тўғрисида”ги 511-сонли қарори ижросини таъминлаш борасида Қорақалпоғистон Республикаси, Сурхондарё ва Хоразм вилоятларида мутасадди идоралар билан ҳамкорликдаги ишлар танқидий муҳокама қилинган. Бундан ташқари, ҳайъат йиғилишида солиқ тўловларининг тўлиқ ва ўз вақтида тўланиши борасида аниқланган ҳуқуқбузарлик ҳолатлари, уларнинг олдини олиш юзасидан ташкил этилаётган тарғибот-ташвиқот ишлари натижалари таҳлил қилинган, дейилади хабарда.

UZBEK.FM

Ўзини химоя қилиш мақсадида. тажовузкор ўрисни ўлдирган Жаҳонгир Аҳмедов Россияга берилди.

Жаҳонгир Аҳмедов Домодедово аэропортида дархол қамоққа олинди. Унга нисбатан «ўлимга сабаб бўлган оғир тан жароҳати етказиш» айби юкланди.

Тубандаги мақола бу воқеадан бир кун олдин



ва ҳайдовчи ерга йиқилиб хушидан кетади.

Шундан сўнг, айбланувчилар Леонид гўё аварияга учраганини ўхшатиш ниятида унинг БМВ русумли машинасини устунга бориб уришган.

Буни шу ерда ўрнатилган видеокамералар ёзуви тасдиқлайди. Кейин ўзбекистонликнинг ўзи Леонидни таксида

ЎЗБЕКИСТОН ЎЗ ВАТАҶДОШНИНИ РУСИЯГА НОҚОНУНИЙ БЕРДИ

ёзилганди.

Россиялик 22 ёшли “Спартак” фанатининг ўлими ва бунда Ўзбекистонлик муҳожирнинг айбланиши билан боғлиқ хабар 15 май куни интернет нашрларида энг кўп чоп қилинган хабарлардан бири бўлди.

Бунинг яна бир эътиборли жиҳати, ушбу қотиллик ортидан миллий низоларнинг келиб чиқиш эҳтимоли нафақат Россиядаги меҳнат муҳожирларини, ўз навбатида, Москва вилояти ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларини ҳам сергак торттирди.

Хусусан, ИТАР-ТАСС ахборот агентлиги Пушкин шаҳрида яшаган Леонид Сафьянникнинг ўлими юзасидан очилган жиноий ишни Москва вилоят прокуратураси алоҳида назоратга олганлиги ҳақида ёзди.

Пушкин тумани раҳбарияти эса этник низолар келиб чиқишининг олдини олиш мақсадида эҳтиёт чоралари кўрилишини маълум қилди.

Этник низолар чиқиш эҳтимоли – бу масаланинг бир томони. Бошқа томондан эса, содир бўлган жиноят ҳақида интернет нашрларидан берилётган хабарларнинг аксариятидаги маълумотларга ишониладиган бўлса, гўёки ахлоқий нормалар асосида Ўзбекистонлик муҳожирнинг тақдири ҳал қилиб бўлинган.

Берилаётган хабарлар кетма-кетлиги асосида воқеалар ривожини кузатилиб борилса содир бўлган жиноий иш бўйича Ўзбекистон ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари тарафидан бирор бир ҳаракат кузатилмайди.

Нашрларда ёзилаётганидек, “Ўзбекистон ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларининг айбланувчини ушлаб беришга

ва экстрадиция қилишга ваъда беришлари” билан боғлиқ маълумотлар эса мантикий ҳақиқатдан анча йироқдир.

Бу ерда давлатлараро халқаро битим, келишув деган нарсалар бор.

Бундан ҳам ошиб тушгани, айбланувчи гўёки ўз ихтиёри билан Россияга қайтишга рози бўлганмиш. Содир бўлган жиноий иш аҳамияти жиҳатидан Россиянинг бутун бошли бир вилояти даражасида алоҳида назоратга олиниб кўриб чиқилаётган бир вақтда айбланувчининг истаган пайтида ўз юртига келиб, истаган пайтида Россияга чиқиб кетишини ва ўзбек томонининг бу ҳолатни жим кузатиб туриши мантиққа зид албатта.

Бирок, қўлимизда шунга ўхшаган ҳар хил нашрларнинг ёки уларда ишлайдиган муҳбирларнинг манба деб аташаётган шахсий таниш-билишлари орқали олинган маълумотлардан бошқа нарса йўқ. Бу ерда бир нарса аниқки – ўзбек муҳожирини содир қилган жиноятини тан олган.

Воқеаларнинг асл моҳияти ва тартиби ҳамда бундан кейин нималар бўлиши мумкинлиги айнан мана шу нуқта атрафида шакллантирилиши лозим.

1. Жиноятнинг қисқача тафсилоти

ИТАР-ТАСС ахборот агентлиги тарқатган хабарда ёзилишича 13 май куни Леонид Сафьянников Пушкин темир йўл станцияси яқинидаги бозор олдида машинасини қўймоқчи бўлади. Шу вақти бозордан чиқиб келган “тўртга” йигит унга халақит қилишади. Ўртада келиб чиққан жанжалда йигитлардан бири ҳайдовчининг бошига зарба беради

шифоҳонага олиб борган. Бирок, орадан бир неча соат ўтиб “Спартак” ишқибози бўлган Леонид шифоҳонада вафот этган.

Суд тиббий экспертиза хулосасига кўра ўлим ҳолати мия чаноғига етказилган жароҳат оқибатида энса суягининг синиши ва бош миянинг лат ейиши натижасида юз берган.

Суриштирув жараёнида 22 ёшли Леониднинг ўлимига сабаб бўлган шахсининг 25 ёшли Ўзбекистон фуқароси Жаҳонгир Аҳмедов эканлиги аниқланган.

Мавзу бўйича Озодлик радиоси тарқатган хабарга кўра эса Ўзбекистон фуқароси Жаҳонгир Аҳмедовга нисбатан Россия Федерацияси Жиноят Кодексининг 111-моддаси 4-қисми (ўлимга сабаб бўлган оғир тан жароҳати етказиш), 166-моддаси 1-қисми (ўғирлаш ниятисиз автомобилни эгаллаб олиш) ва 167-моддаси 1-қисми (бировнинг мулкига шикаст етказиш) асосида ситрдан жиноий иш очилган.

Кейинчалик Интерфакс ахборот агентлиги ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлардаги ўз “манба”сидан олинган маълумотга таяниб футбол ишқибозини ўлдириб қўйганликда сирдан айблов эълон қилинган Жаҳонгир Аҳмедовнинг чоршанба 14 май куни Москванинг Домодедово аэропортидан Фарғонага учиб кетгани ҳақида хабар тарқатди.

2. Аҳмедовнинг Россияга экстрадиция қилиниши ўзбекистон тўғрисидаги “ваъдаси”

Воқеалар ривожининг навбатдаги қисмида яна Интерфакс ахборот агентлиги ўз “манба”сига таяниб 23 ёшли

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада) мумкин холос.

Леониднинг ўлими бўйича айблов эълон қилинган Аҳмедовнинг Россияга экстрадиция қилинишига Ўзбекистон тарафининг ваъда берганини маълум қилди. Агар олдинги хабарларда берилган маълумотга эътибор қилинса бу ерда гап Ўзбекистон фуқаросининг бошқа давлатга экстрадиция қилиниши ҳақида бормоқда.

Ўзбекистоннинг МДХ давлатлари доирасидаги экстрадиция, яъни жиноятчини ушлаб бериш бўйича ишлари 1993 йил 22 январда Минскда имзоланган “Фуқаролик, оила ва жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам тўғрисида Конвенция” асосида амалга оширилади.

Мазкур Конвенциянинг 57-моддаси жиноятда айбланувчи шахсни топшириш талабини рад қилиш асосларини белгилайди. Келтирилган асослар рўйхатида биринчи ўринда – топшириш талаб қилинаётган шахс сўралаётган давлат фуқароси бўлган тақдирда талабнинг рад қилиниши таъкидланади.

Бу экстрадиция билан боғлиқ ҳар қандай битимда ўрнатиладиган энг муҳим тамойил ҳисобланади.

Агар жиноятда айбланаётган Ж. Аҳмедов ҳақиқатан Ўзбекистон фуқароси бўладиган бўлса Ўзбекистон Бош прокуратураси уни Россияга экстрадиция қилишга ҳақли эмас.

Демак, юқорида айтилаётган Ўзбекистон ваъдаси билан боғлиқ маълумотлар ҳеч қандай ҳуқуқий асосга эга эмас. Бироз вақт ўтиб Россия ОАВда яқин қариндошларининг талаби билан Ж. Аҳмедовнинг ўз ихтиёри билан Россияга қайтиши ҳақидаги хабарлар пайдо бўлди.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, агар Россия томони жиноятда айбланаётган шахсни ушлаш тўғрисида Ўзбекистонга расмий илтимоснома жўнатган бўлса айбланувчини ҳибсга олиш бўйича чоралар кўрилади.

Бу эса унинг эркин тарзда мамлакатни тарк этишига йўл қўймайди. Бундан хулоса қилиш мумкинки, жиноят ишларида ҳеч нарса ўзбошимчалик билан ҳал қилинмайди. ОАВ да тарқалаётган хабарлар эса содир бўлган жиноят туфайли ғазабга келган марҳумнинг яқинлари ва “Спартак” ишқибозларининг кейинги ҳаракатларига таъсир қилиши

3. Аҳмедовни қандай жазо кутмоқда

Жиноят очилганидан кейин албатта жазо белгилаш билан тугайди, хоҳ суд ҳукми сирдан чиқарилсин хоҳ бевосита судзалида. Юқорида таъкидланганидек, Озодлик радиоси тарқатган хабарда Ж. Аҳмедовга нисбатан Россия Федерацияси Жиноят Кодексининг 111-моддаси 4-қисми (ўлимга сабаб бўлган оғир тан жароҳати етказиш), 166-моддаси 1-қисми (ўғирлаш ниятсиз автомобилни эгаллаб олиш) ва 167-моддаси 1-қисми (бировнинг мулкига шикаст етказиш) асосида сирдан жиноий иш очилган.

Агар Россия Федерацияси жиноят кодексига назар ташлайдиган бўлсак, биргина 111-модданинг ўзи жазо муддатини икки йилгача қисқартириш имкони билан 15 йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиш учун асос бўлади.

Албатта бу ерда жиноятни оғирлаштирувчи ва енгилаштирувчи ҳолатлар жазо муддатига таъсир қилади. Айниқса, Аҳмедовнинг ҳолатидаги жиноятни эҳтиётсизлик ортидан содир қилиши, унинг қасддан содир қилинмагани, бундан ташқари жабрланувчига ёрдам кўрсатиш мақсадида уни шифохонага олиб боргани билан боғлиқ ҳолатлар жаъони енгиллантишга хизмат қилиши мумкин. Бирок, унга нисбатан бир нечта модда айбловлар қўйилаётгани инobatга олинса бу жазо муддатига унчалик катта ўзгариш киритмайди.

Аҳмедовнинг Ўзбекистон фуқароси сифатида Россияга экстрадиция қилинмаслиги шартдан келиб чиқадиган бўлсак, тергов материаллари Ўзбекистонга юборилади ва процесс Ўзбекистон ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан давом эттирилиши лозим.

Бу ҳолатда, Ўзбекистонда олиб борилган тергов жараёни натижаларига кўра Аҳмедовга нисбатан ҳукм жиноят ишлари бўйича Россиянинг Пушкин тумани суди томонидан фақат сирдан чиқарилиши мумкин. Кейинчалик бу ҳукм ижросини таъминлаш учун Ўзбекистон Бош прокуратурасига илтимоснома юборилиши учун асос бўлади.

Бирок, шу ўринда эътибор талаб қиладиган яна бир жиҳат

борки, Ўзбекистон қонунчилиги айна жиноят бўйича бир хил жазо муддатини белгиламайди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси жиноят кодекси 104-моддаси “д” бандига кўра қасддан баданга оғир шикаст етказиш жабрланувчининг ўлишига сабаб бўлса саккиз йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси белгиланган.

Бу эса икки давлат жиноят қонунчилигидаги нормалар коллизиясини юзага келтиради.

Лекин бошқа давлат суд ҳукмини тан олиш ва унинг ижросини таъминлаш билан боғлиқ ишларда умум тан олинган тамойил шундан иборатки – айбланувчига белгиланган жазо муддати, ҳар қандай ҳолатда айна жиноятга нисбатан ўзи фуқароси бўлган давлат қонунчилигидаги белгиланган жазо муддатидан ошиб кетмаган ҳолатида ижро учун тан олиниши мумкин.

Бундан келиб чиқадики, Ўзбекистон суд органлари томонидан Россия судининг Аҳмедовга нисбатан чиқарган ҳукмидаги жазо муддатининг фақат миллий қонунчилик йўл кўядиган қисмигина ижро учун тан олинади.

4. Аҳмедовнинг Россияга топширилиш шарт

Юқорида таъкидланганидек, ҳуқуқий ёрдам тўғрисидаги Минск Конвенцияси Аҳмедовнинг Ўзбекистон фуқароси бўлган тақдирда Россияга экстрадиция қилинишига йўл қўймайди. Лекин, мазкур Конвенциянинг 78-1-моддаси “Вактинчалик қамоққа олиш чораси қўлланилган ёки озодликдан маҳрум қилиш шаклида жазо ўтаётган шахснинг вақтинча топширилиши” билан боғлиқ нормаларни белгилайди.

Айнан мазкур модда асосидагина Аҳмедов Россия ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан олиб борилаётган тергов жараёнига аниқлик киритиш ва кўрсатма бериш мақсадида вақтинчалик Россияга топширилиши мумкин.

Бу ҳолатда ҳам унинг белгиланган муддат ичида ортга қайтарилиши учун икки давлат Бош прокуратуралари келишиби олишлари лозим бўлади.

Кўриниб турганидек, Аҳмедовнинг Ўзбекистон фуқароси эканлиги тасдиқланадиган бўлса, айбланувчи тайинланган жазо муддатини ўзбек қамоқхоналарида ўташига тўғри келади.

Замир Малик

(Давоми: Боши олдинги сонда)



Иброҳим алайҳиссаломнинг ҳазрати Хожар ва ҳазрати Сорадан туғилган фарзандлари

Иброҳим алайҳиссаломнинг энг катта ўғли Исмоил алайҳиссалом бўлиб, у иккинчиси завжаси Ҳазрати Хожардан туғилганди (575). У пайтда Иброҳим алайҳиссалом 86 ёшда эди (576). Иброҳим алайҳиссаломнинг иккинчи ўғли Исҳоқ алайҳиссалом эса биринчи завжаси Ҳазрати Сорадан бўлиб (577), у пайт Иброҳим алайҳиссалом 100 ёшда эди (578).

Ҳазрати Соранинг вафоти

Ҳазрати Сора 127 ёшда Канон диёрида “Зўравонлар корияси” деб аталган Ҳобрунда вафот этди (579). Водилкуро билан Шом орасида бўлган Ҳабро ва ёки Ҳобрун (580)

Байтулмақдис (Қуддус) қориларидан бўлиб, ҳалилур-рахмон деб ҳам аталади. Ҳазрати Сора вафот этгач, уни кўмиш учун ер ахтарар экан, Иброҳим алайҳиссалом ўз динидан бўлган Сафвон исмли бир кишига дуч келди ва ундан 50 дирҳамга — у даврдаги бир дирҳам бугунги беш дирҳам эди — ер сотиб олиб, ерга Ҳазрати Сорани кўмди. Иброҳим алайҳиссалом вафот этганда уни ҳам ўша ерга кўмишди. Иброҳим алайҳиссаломнинг ўғли Исҳоқ алайҳиссаломнинг завжаси ҳам, ўзи ҳам, унинг ўғли Ёқуб алайҳиссаломнинг завжаси Илё ҳам ўша ерда кўмилдилар (581).

Иброҳим алайҳиссаломнинг Қатура ва Хожжунга уйланиши ва ундан тунилган фарзандлари

Ҳазрати Сора вафотидан сўнгра

Иброҳим алайҳиссалом Қатура (ва ёки Қантура) бинти Ёкто-ул Каноний ва Хожжун билан турмуш қурди (582). Ва Қатурадан 4 та, Хожжун исмидаги хонимидан эса 7 та фарзанд кўрди. Кейинги туғилганлари билан 13 та бўлди (583).

Бошқа бир ривоятга кўра, Қатура ва ёхуд Қантурадан 6 та, Хожжун ва ёхуд Хожжуродан 5 ўғил кўрди (585).

Қатурадан туғилган фарзандлари:

1. Зимрон
2. Ёқшон
3. Мадон
4. Мадян
5. Яшбок

6. Шуоҳ (586)
Хожжун ва ёхуд Хожжуродан туғилган фарзандлари:

1. Кайсон (ва ёхуд Кайшон)
2. Фарух (Сарух ва ёхуд Сураж)
3. Умейм (ва ёхуд Ухайм)
4. Лутом
5. Нофас (587)

Иброҳим алайҳиссаломнинг фарзандларининг жаҳонга тарқалиши

Иброҳим алайҳиссаломнинг Қотурадан туғилган ўғилларидан Мадон ва Мадян ерлашган тупроқларга Мадян номи берилди.

Ёқшоннинг зурриёдлари Маккага келиб жойлашдилар (*).

(*) “Қатура ўғиллари” деб номланган бир жамоат Маккада Исмоил алайҳиссалом билан бирга истиқомат қилганлар.

Бошқа фарзандлари эса бошқа ўлкаларга бориб жойлашдилар ва Иброҳим алайҳиссаломга:

- Эй отамиз, Исмоил билан Исҳоқни ўзинга яқин ерларга жойлаштиринг, бизларни эса гурбатга ва бегона элларга жойлашишга амр этдинг, нечун? — деб савол бердилар.

- Менга шундай амр келди, - деди Иброҳим алайҳиссалом.

Ва ўғилларига Аллоҳу Таолонинг шундай бир исмини ўргатди-ки, унинг зикри ила ёмғир ва бошқа тилакларни этсалар, дарҳол ёмғир ва ёки бошқа ёрдам келарди (588).

Иброҳим алайҳиссалом ўғилларидан баъзилари Хуросонга бориб ерлашдилар (589).

- Ёмғир ёғдириш илмини сизга ўргатган ер юзи аҳлининг энг хотирлиси ва ҳукмдори бўлишга

лойикдир, — дейишди уларга хазарлар. Ва уларнинг қиролларига “ҳоқон” унвони бердилар (590).

Ибн Ҳабиб (ҳижрий 245-да вафот этди)га кўра, Иброҳим алайҳиссаломнинг Хуросонга жойлашган фарзандларининг исмлари Мадон, Ашбок, Шаухдир.

Уларнинг у ерда насллари кўпайган ва Хуросон турклари билан аралашган (591). Бир ҳадис-и шарифда туркларнинг Қантура ўғиллари эканликлари билдирилгандир (592).

Иброҳим алайҳиссаломнинг вафоти

Иброҳим алайҳиссалом Канъон элида (593) хасталаниб (594) юз

ПАЙҒАМБАРЛАР ТАРИХИ (11).

етмиш беш (595) ва ёки икки юз ёшда вафот этди (596).

Ҳабрун далаларидан сотиб олган ва Ҳазрати Сора кўмилган тупроққа уни (597) ўғиллари Исмоил ва Исҳоқ алайҳиссаломлар кўмишди (598).

Унга ва оиласига, юборилган бутун пайғамбарларга салом бўлсин!

Ҳалил-ул раҳмон деб аталган бу ер билан Қуддус орасидаги масофа бир марҳолага яқин (599).

Иброҳим алайҳиссалом вафот этганда, Исмоил алайҳиссалом 89 ёшда эди (600).

Иброҳим алайҳиссаломга индирилган илоҳий саҳифалар

Аллоҳу Таоло тарафидан Иброҳим алайҳиссаломга индирилган Ўн саҳифа (601) рамазон ойининг илк кечасида индирилди (602).

Бу саҳифа ичидаги қисса ва ибратли сўзлар билан:

“субҳонАллоҳ” деярак, Аллоҳу Таолони тасбиҳ ва танзиҳ;

“ла илаҳа иллаллоҳ” деярак тавҳид;

“алҳамдулиллоҳ” деярак Унга шуқр этмақдан иборат эди (603).

Асҳоб-и қиромдан бўлган Абу Зарр-ул Гиффорий шундай ҳикоя қилади: “Мен Расулиллоҳ саллаллаҳу алайҳи вассалламдан Иброҳим алайҳиссаломнинг саҳифаларида нималар бор эди”, деб сўрадим, у: “Масаллар ва ибратли сўзлар.

Масалан, “Эй салтанат берилган, синалган алданган қирол, мен сени дунёлик йиғ, дея юбормадим.

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

Балки мазлумни менга ёлворишга, дуо этишга муҳтож этмаяжаксан, деб юбордим.

Чунки мен мазлумнинг дуосини, у кофир бўлса ҳам, қабул этаман! , каби сўзлар бор эди.

Яна шулар:

- Бир соатингни Роббинга дуо ва муножот учун, бир соатингни Аллоҳу Таолонинг санъат ва қудрати ҳақида мушоҳада учун, бир соатингни ўтмишда қилган ва келажакда қилишинг мумкин бўлган ишларинг хусусида ўзингни сўроққа тутмоқ учун, бир соатингни ҳалолдан емак ва ичмак учун айирмоғинг керак (604).

Яна ақл соҳибига зарур бўлган уч нарса шулар:

1. Охиратга ҳозирланмоқ.

2. Яшаш тарзини тартибга солмоқ.

3. Ҳаром нарсалардан қочишга мажбур бўлмагунча, бир ердан бошқа ерга кўчмаслик (605).

Яна ақл соҳибига ярашадиган шулар бор:

1. Ўз замонига басират ва ибрат кўзи билан қараш.

2. Ўз ишларига ҳоким бўлмоқ.

3. Тилини тийишни билмак, оз сўз сарф этмак (606), — деб жавоб берди Пайғамбаримиз

Аллоҳнинг “Ҳаниф мусулмон” деб атагани илк зот эди. Иброҳим алайҳиссалом ҳақида “У на яхудий, на-да христиан эди.

У Аллоҳни ягона билган тўппа-тўғри бир мусулмон эди. Мушриклардан эмасди у”, — дейилгандир (611).

3. Иброҳим алайҳиссалом Аллоҳнинг неъматларига шуқр этган зот эди.

Аллоҳу Таоло уни маъқул кўриб танлаганди, тўғри йўлга солганди (612).

4. Иброҳим алайҳиссаломнинг ўзи бир уммат (пешво-имом) эди. Аллоҳга итоаткор эди.

Ботил динлардан узоқ ва муваҳхид бир мусулмон эди. У ҳеч қачон мушрик бўлмаган (613).

5. Иброҳим алайҳиссаломга Аллоҳ тарафидан дунёда гўзал ҳол ва мавқеъ берилди ва у ҳақда:

“Ҳеч шубҳасиз у охиратда ҳам мутлақо Солиҳлардандир”, — дейилган (614).

6. Иброҳим алайҳиссалом юмшоқ феълли, марҳаматли ва ўзини тамомила Аллоҳга атаган бир зот эди (615).

7. Аллоҳу Таоло уни Ҳалил (дўст) деб атади (616).

8. Унинг зурётларига пайғамбарлик, китоб, ҳикмат, салтанат берилди (617).

ва ҳижрат этганларнинг илки эди (623).

14. Қиёмат кунида инсонлар ялангаёқ ва яланғоч ҳашр этилажак. У кун инсонларнинг илк кийим кийдирилгани Иброҳим алайҳиссалом бўлажак (624).

15. Иброҳим алайҳиссалом меҳмон қабул этган инсонларнинг илки эди (625). У нонушта ва оқшом емагини меҳмонсиз емас эди.

Меҳмон топиш учун икки мил, ҳатто ундан ҳам кўпроқ йўл юрган пайтлари бўлган (626). Унга “меҳмонларнинг отаси” дейишарди (627).

16. Иброҳим алайҳиссалом илк кез мўйловини текислаб, қирқиб турган.

17. Илк кез қўлтиқ тағларини ва қосиғини тарашлаб, тозалаган (628).

18. Тирноқларини қирққан.

19. Мисвоқ билан тишларини тозалаган.

20. Оғзини сув билан чайқашни одат қилган.

21. Бурнига сув тортиб тозалаган.

22. Аврот ерларини сув билан ювган.

23. Сочларини тараган (629).

24. Ички иштон кийган (630).

25. Оёқларига пойабзал кийган.

26. Мусохофоҳа қилган.

27. Инсонлар билан кучоқлашиб кўришган.

28. Инсонларни сажда ери бўлган пешонасидан ўпган (631).

29. Ўз-ўзини суннат этган (632), эллик ёшида соч соқолининг оқарганини кўрган (633) илк инсон эди (634).

Ўшанда соч-соқолининг оқлигини кўриб:

- Ё Робб, бу – нима?, — деганида (635), Аллоҳ:

- Бу яхшилик, — деди.

Эрталаб қараса, сочларининг учдан иккиси оқарганди (636),

- Ё Робб, бу нимадир, — деб сўраганида (637), Аллоҳу Таоло:

- Бу дунёда ибрат, охиратда эса нурдир (638), виқордир, эй Иброҳим, — деб жавоб берди.

Шунда Иброҳим алайҳиссалом:

Ундай бўлса, виқоримни орттир, ё Робб!” деди (639).

Ва эртаси куни соч ва соқоли худди момақаймоқ каби оппоқ бўлди (640).

30. Макканинг Ҳарам худуди тошларини ҳам Жаброил алайҳиссаломнинг кўрсатган нуқталарига илк қўйган инсон Иброҳим алайҳиссалом эди (641).

(Давоми келгуси сонда)

ПАЙҒАМБАРЛАР ТАРИХИ (11).

алайҳиссалом”. (607).

- Ё Расулиллоҳ, Иброҳим ва Мусонинг саҳифаларидаги нарсалар ичида Аллоҳу Таолонинг сенга индирилган китобидаги фикрларга ўхшаш ери борми? — деб сўрадим.

- Эй Абузар, ўқиб кўр-чи:

“Ҳақиқатан ҳам яхши покланиб, Роббининг исмини зикр этган, намоз қилган киши умидига эришади. Балки сиз дунё ҳаётини охиратдан устун қўясиз. Бу каби сўзлар аввалги саҳифаларда, Иброҳим ва Мусонинг саҳифаларида ҳам бор”, (Аъло сураси 14-19-оятлар) — деди Расулиллоҳ алайҳиссалом (608)”.

Иброҳим алайҳиссаломнинг баъзи фазилатлари

1. Иброҳим алайҳиссаломга балоғатга етмасдан аввал рошидлик берилганди (609).

2. Иброҳим алайҳиссалом Тавҳид аҳли имоми эди. Т

или тавҳидда ҳужжат қилинганди. Катта-кичик бутун халқни ҳужжат тили билан Ҳаққа даъват этганди (610).

Иброҳим алайҳиссалом: “Менг усун кейин келгувчи кишилар ўртасида рост мақтовлар қилгин” (618) деган эди.

У Аллоҳга “Мендан кейингилар ичидан менга бир инсон-и сидқ бер!

Қиёматга қадар боқий қолажак бир ёд-и жамол, зикр-и жамол бер! Исминни яхшилик билан эслаттир инсонларга!” — дея дуо этганди. Бугунга қадар унга севги ва ҳурмат кўрсатмаган ҳеч бир миллат мансуби кўрилмагандир (619).

10. Иброҳим алайҳиссалом бутун инсонларга имомдир, мақоми мусулмонларга мусалло (намозгоҳ) қилинмиштир (620).

11. Пайғамбаримиз алайҳиссаломга Иброҳим алайҳиссаломнинг динига уйғун ҳаракат қилиш буюрилгандир (621).

12. Иброҳим алайҳиссалом Робби тарафидан муайян сўзлар ила имтиҳон қилиниб, бу имтиҳондан муваффақиятла ўтди (622).

13. Иброҳим алайҳиссалом Аллоҳ йўлида оловга отилганларнинг



Amnesty International: Ўзбекистонда 6 минг қийноқ қурбони бор

Қароргоҳи Лондонда жойлашган Халқаро Амнистияга кўра, Ўзбекистонда 6 мингга яқин қийноқ қурбонлари бор. Ташкилот Ўзбекистонни қийноқларга қарши янги глобал кампанияси марказига қўйган. Аммо Ўзбекистон ҳукумати қийноққа солувчилар рўйхатида ёлғиз эмас.

Икки йил давом этадиган «Қийноқларни тўхтатиш» кампанияси доирасида Ўзбекистон билан бирга яна тўрт давлат-Мексика, Филиппин, Марокаш ва Нигериядаги аҳволга эътибор қаратилади. Аммо қийноқ қўлланилаётган давлатларнинг умумий сони бундан анча кўп.

Амнистияга кўра, сўнгги 5 йилда ташкилот жаъми 141 та давлатдаги қийноқлар ва ноинсоний муомаланинг бошқа кўринишлари ҳақида хабар тарқатган.

Ташкилот ўз кампанияси учун танлаб олган 5 та давлатда қийноқлар кенг тарқалган, деб ишонади. Халқаро Амнистия дунёда қийноқлар борасида юзага келган вазиятни «глобал инқироз» дея баҳоламоқда.

«Иккиюзламачи»

Amnesty International Бош котиби Салил Шеттининг Лондонда ўтган матбуот анжуманида афсус билан қайд этишича, қийноқ қўллаётганлар фақат Ўзбекистон сингари авторитар бошқарувлар эмас. Уларнинг орасида демократик ва демократия томон қадам қўяётган давлатлар ҳам бор.

«Дунё бўйлаб ҳукуматларнинг қийноқ масаласида иккита

юзлари бор-қонунда тақиқлаш, аммо амалда қўллаш», — дейди Амнистия Бош котиби.

Халқаро Амнистия ўтказган глобал сўров қийноқлардан қўрқув барча мамлакатларда мавжуд эканини кўрсатган. Барча қитъаларни ўз ичига олган сўровда 21 та давлатдан 21 минг киши иштирок этган. Халқаро Амнистия дунё ҳукуматларини БМТнинг Қийноқларга қарши конвенциясини имзолаган ҳолда, қийноқларга барҳам бериш юзасидан олган мажбуриятларига хиёнат қилишда айбламоқда. Бу йил ушбу муҳим Конвенция қабул қилинганига 30 йил тўлади. Ўзбекистон ҳукумати Қийноқларга қарши конвенцияга 1995 йилда қўшилган.

Андижон акс-садоси

Қийноқларга қарши глобал кампаниянинг бошланиши Андижон қирғинининг 9 йиллик санасига тўғри келган. Халқаро амнистия Ўзбекистондаги қийноқлар ҳақида гапираркан, Андижон воқеалари ортидан қамоққа ташланган икки маҳкумнинг тақдирига алоҳида эътибор қаратмоқчи.

Улардан бири 2010 йилда Ўзбекистон маҳкамаси томонидан 10 йилга озодликдан маҳрум этилган андижонлик Дилором Абдуқодирова, иккинчиси эса 2006 йилда Ҳарбий трибунал томонидан жосусликда айбдор деб топилиб 15 йиллик қамоққа маҳкум этилган Ўзбекистон мудофаа вазирлигининг собиқ юкори мартабали мулозими, подполковник Эркин Мусаевдир.

Андижон қирғини ортидан ватанини тарк этган қочқинлар орасида бўлган Дилором Абдуқодирова 2010 йилда ўзбек расмийларининг хавфсизлик кафолатлари остида ўзи бошпана топган Австралиядан турмуш ўртоғи ва тўрт нафар фарзанди қолган Андижонга қайтишга қарор қилади. Уйига қайтганидан кўп ўтмай хибсга олинган Абдуқодирова давлат тузумини ағдаришга уринишда айбдор деб топилиб, 10 йил қамоқ жазосига маҳкум этилган.

Дилором Абдуқодирова Андижон воқеалари бўйича Олий судда ҳукумат кўшинлари халққа

қарата ўқ очди, дея гувоҳлик берган Маҳбуба Зокированинг опасидир.

Ўзбекистоннинг НАТОдаги собиқ элчиси бўлган Эркин Мусаев эса «узоқ муддат давомида Ўзбекистон ва Россия қуроли кучларининг ҳарбий сирларини Пентагонга етказиб турганлик»да айбланган. Айблов Андижон воқеалари ортидан АҚШ билан муносабатлар ёмонлашган ва ҳарбий ҳамкорлик тўхтаб қолган паллага тўғри келган.

Ҳар икки маҳбуснинг яқинлари уларнинг тергов жараёнида қийноққа тутилганликларини айтишган.

Жазосизлик

Халқаро Амнистия Ўзбекистондаги вазиятнинг мураккаб экани, қийноқлар масаласида яхши томонга ўзгариш яшашнинг қийинлигини эътироф этади. Ташкилот номлари зикр этилган маҳбусларнинг буткул озод этилишига эриша олмаса ҳам, уларнинг ва бошқа маҳбусларнинг шароитлари яхшиланишига умид қилмоқда.

«Биз уларнинг қамоқдан озод этилишига эришолмасак ҳам, ҳеч курса, уларга нисбатан қийноқларнинг тўхтатилиши, жазо камераларига ташламаслик, ҳимоячилар ва яқинлари билан учрашишларига тўсқинлик қилмаслик ва бошқа шароитларининг яхшиланишига умид қилаяпмиз. Назаримда булар эришиш мумкин бўлган нарслар.

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

Бу йўлда биз халқаро ҳамжамият, АҚШ, Оврўпо ҳукуматлари, шунингдек, БМТ ва Оврўпо Иттифоқининг дастагига ҳам суянамиз. Ўзбекистон ҳукумати уларнинг тавсияларини жиддий қабул қилади, деб ишонамиз. Биз учун Ўзбекистондаги қийноқ қурбонларининг ўзларини ташқарида унутишмаганини ҳис қилишлари муҳим», — дейди Amnesty International нинг Марказий Осиё бўйича эксперти Мейзи Вайшудинг.

Халқаро Амнистия Ўзбекистонда 6 мингга яқин қийноқ қурбонлари бор, деб ишонади. Мейзи Вайшудингга кўра, бу рақам ўзларининг йиллар давомида олиб бораётган тадқиқотлари ва бошқа инсон ҳуқуқлари гуруҳларининг ҳисоботлари, шунингдек, қийноқ қурбонлари ва собиқ маҳкумларнинг гувоҳликлари асосида тасдиқланган. Ушбу рақам мамлакатдаги сиёсий маҳбусларнинг тахминий сонига яқин.

«Энг кўп қийноққа солинадиган қатлам- сиёсий муҳолифат, инсон ҳақлари фаоллари ва Ҳизбу Таҳрир сингари тақиқланган диний ташкилотлар аъзоларидир. Агар сиз бу рақамни оилаларга, ўн йиллаб қамоқда ўтирганларнинг яқинлари, авлодларга кўпайтирсангиз, қийноқнинг Ўзбекистон, у ердаги жамият учун қанчалик даҳшатли таъсирга эга эканини кўз олдингизга келтира оласиз. Ўзбекистондаги вазиятнинг яхшиланишидан умидсизликнинг бир учи мамлакатдаги кўрқув муҳитига бориб тақалади. Қийноққа солинганлар бу ҳақда гапиришга кўрақадилар», — дейди Мейзи Вайшудинг.

Унинг фикрича, Ўзбекистоннинг дунёда унчалик танилмагани муаммонинг яна бир тарафидир.

«Ўзбекистон халқаро янгиликларда кўп ҳам пайдо бўлавермайди. Рост, қачондир Гулнора Каримова атрофида нимадир содир бўлса, дунё матбуоти Ўзбекистон ҳақида гапириб қолади, аммо ҳозир у ҳам йўқ.

Бу маънода Ўзбекистонга қизиқиш унчалик қатта эмас. Аммо бу нарса бизни Ўзбекистонга вазиятга қайта-қайта эътибор қаратишдан тўхтатиб қолмаслиги керак», — дейди Халқаро Амнистия вакили.



Халқаро Амнистияга кўра, Ўзбекистонда қийноқларнинг кенг тарқалгани ва мунтазам қўлланиши БМТ томонидан ҳужжатлаштирилганига қарамай, қийноқ қўлловчиларнинг аксарияти жазосиз қолишади. Мамлакат Халқаро Амнистия ва бошқа инсон ҳуқуқлари ташкилотлари учун ёпилган. Ўзбекистон ҳукумати қийноқларнинг мавжудлигини эътироф этган, аммо уларнинг мунтазам қўлланиши ва қийноқларга расмий даражада рухсат берилганини рад этиб келади. Ҳукумат 2003 йилда «Қийноқларга қарши кураш миллий дастури»ни қабул қилган. Аммо маҳаллий ҳуқуқ фаоллари бу дастурнинг қоғозда қолиб кетганини айтишади.

Халқаро Амнистия Бош котиби Салил Шетти нима учун ўз кампанияларига Ўзбекистонни танлаб олишгани ҳақидаги саволга жавоб бераркан, «қийноқларни ўлчашнинг барометри йўқлиги ва Амнистия қийноқ даражаси юзасидан жадвал тузмаётганини» айтди. Унинг изоҳ беришича, Амнистиянинг мақсади давлатларни қийноқлар масаласида «оқ ва қора»га ажратиш эмас, балки қийноқлар ва уларнинг ҳар қандай турини, қаерда бўлишидан қатъий назар тақиқланиши ва тўхтатилишига эришишдир. «Қийноқлар нафақат мавжуд, балки дунёнинг жуда кўп бурчақларида «гуллаб-яшнамоқда».

Жаноб Шитта АҚШ сингари давлатларда миллий хавфсизлик номи билан қийноқлар қўлланишини «даҳшатга солувчи» деб атади. Халқаро Амнистия ўтказган сўровда қатнашганларнинг учдан бир қисми қийноқларни оқлаш мумкин деб ўйлашини айтган. Аммо Амнистиянинг айтишича, сўров дунёдаги аксарият кўпчилиكنинг қийноқларга қарши эканини кўрсатган ва бу умид берувчидир.

Тошкентда НАТО ваколатхонаси очилади

Ўзбекистон пойтахтида Шимолий атлантика альянси (НАТО) ваколатхонаси иш бошлайди. Ваколатхона вакилининг сўзларига таяниб РИА Новости ахборот агентлигининг хабар беришича, Тошкентда ваколатхонанинг расмий очилиш маросими 16 май куни бўлиб ўтади.

«Ваколатхонанинг очилиш маросимида НАТО бош котибининг Марказий Осиё ва Кавказ бўйича вакили Жеймс Аппатурай иштирок этади», — дея маълумот беради агентлик манбаси. 2005 йилгача Ўзбекистон ва НАТО муносабатлари анча фаоллашган эди, ташкилот мутахассислари Ўзбекистон қуролли кучларининг махсус қисмларини тайёрларликдан ўтказишда иштирок эта бошлаганди. Бироқ, кечагина 9 йил тўлган қонли Андижон воқеаларидан кейин НАТО ва Ўзбекистон ўртасидаги икки томонлама муносабатлар дарз кетганди. Ўзaro муносабатлар 2008 йилга келибгина НАТОнинг Ўзбекистон билан мамлакатдаги мавжуд «меланжа» — ракета ёқилгисининг захарли оксидловчи моддасини йўқ қилиш тўғрисидаги Битим имзоланиши ортидан қайта тикланди. 2009 йилда эса Ўзбекистон Афғонистондаги халқаро кучларга юк етказиб берувчи «шимолий йўналиш»га қўшилди.

12news.uzнашрмаълумотларига кўра ўтган йилнинг август ойидан бошлаб Тошкентда Марказий Осиё давлатлари билан алоқа ва ўзаро ҳамкорлик бўйича НАТО Бюроси фойлият юритиб келади. Шимолий атлантика альянси билан мулоқотни ва ҳамкорликни мустақамлашга қаратилган мазкур тузилманинг фаолият доираси Ўзбекистондан ташқари, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркменистонни ҳам қамраб олади. АҚШ ва унинг НАТО бўйича иттифоқчилари Тошкентга Афғонистондаги истиқболли инфратузилма лойиҳалари — темир йўллар қуриш, кўприкларни таъмирлаш ва янги электр ўтказиш линиялари қурилишида иштирок этишни таклиф қилишларига сабаб Ўзбекистоннинг минтақадаги жўғрофий жойлашуви ва муҳим роли билан изоҳланади.

Манба: bbc.co.uk

UZBEK.FM

(Давоми: Боши олдинги сонда)

Туркистонни кўмсаб

Бошловчи: Барча қатагон ва тазйик ва таъкибларга қарамай, бугун ҳам ЭРК партиясини миллий бирлик байроғини кўтариш учун муайян мафкурага эга бўлган ягона сиёсий ташкилот дейиш мумкин. Унинг сафларида зиёлилар каби,

ҚУРОЛСИЗ КИШИНИНГ ОЗОДЛИГИ

(Хужжатли фильм сценарийси)

ишчилар, дехқонлар, диндорлар ҳам бор. Бу хусусият ЭРК лидери шахсиятининг инъикосидир. Муҳаммад Солиҳ ҳам зиёли, ҳам иймонли, ҳам қишлоқ ҳаётини таниган мухофазакордир. Агар ҳукумат тепасида бугун “Эрк” турганда эди, балки Ўзбекистонда ҳар хил радикал диний гуруҳлар ҳам пайдо бўлмасди, улар ташкил топмасданок, қонун доирасида ижтимоий-сиёсий ҳаётга мослашиб, жамиятга интеграция бўларди. Ва Ўзбекистонда ҳам бугунгидай милтиқ билан ушлаб турилган барқарорлик эмас, балки миллий яқдилликка таянган ҳақиқий тинчлик-осойишталик ўрнатилган бўларди.

Гулчеҳра Нуруллаева: «Муҳаммад Солиҳнинг ягона нияти – ўзбек халқини бахтли кўриш, ўзбек халқини зулмдан тезроқ қутулишини кўриш, ўзбек халқини кўкрагига шамол тегишини кўриш. У шу учун ҳали-ҳамон шиддат билан курашмоқда. Муҳаммад Солиҳ каби фарзандларининг борли-

ги ўзбек халқининг фахри, ўзбек халқининг бахти».

Темур Хўжа: Чўлпон бир шеърида деган:

«Йиғлама, юртим, агарчи бу кунингда йўқ баҳор,

Келгуси кунларда юлдузинг порлаб қолар»

деб айтган. Муҳаммад Солиҳ бундай юлдузлардан.

Бошловчи: Муҳаммад Солиҳ бу синов йилларида ватанда ҳам, муҳожиротда ҳам қайси минбардан гапирмасин, ким билан учрашмасин, доим ўз халқининг дардини гапирди.

Муҳожиротнинг энг ташвишли, энг машаққатли кунларида ҳам но-

лимади, шикоят қилмади, балки буларнинг барчасига Аллоҳнинг ёзган тақдири дея шукур қилди. Бугун оиласи ила ҳаётлари ҳам Меҳрибон ва Раҳмли Аллоҳга шукрлар ичра кечмоқда.

Муҳаммад Солиҳ – умрини Туркистонга атаган сиёсатчи ва шоирдир.

Муҳаммад Солиҳ:

Одамлар каби мен дунёни кезиб ёза олмадим-ку шеърий туркумлар,

чунки ота юртдан чиққаним сезиб,

тарк этарлар мени ҳижо, рукнлар. Чунки келиши-чун кўзларимга ёш

пайдо бўлиши-чун илҳом юракда,

менга жуда зарур аччиқ бир куёш, кескин континентал иқлим керакдир.

Шундай экан, денгиз қирғоқларидан,

яшил ўрмонлардан менга сўз очма,

мен фақат Туркистон тупроқларида

ўса оладиган ғариб оғочман...

Абдумалик ҚОЗОҚБОЙ

© turkiston.tv 2009

Ўзбекистонликлар чегарадан 24,4 кг олтин олиб ўтишга ҳаракат қилишган

2014 йилнинг ўтган 4 ойи давомида Давлат божхона кўмитаси ходимлари ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа идоралар вакиллари билан биргаликда 78 та қонунбузарлик ҳолатлари аниқлаган ва қиймати 1 млрд 122 млн. сўмдан, оғирлиги эса 24,4 кгдан ортиқ бўлган тилла ва заргарлик буюмларининг ноқонуний олиб ўтилишга чек қўйилган. Бу ҳақда Давлат божхона кўмитаси расмий сайти хабар қилади. Хабарда қайд қилинишича, «Истамбул-Тошкент» рейси бўйича парвозини яқунлаган марғилонлик Э. Мариповнинг чангютгичи ичидан 1,4 кг оғирликдаги кумушдан тайёрланган заргарлик буюмлари топилган.

Айни шу шаҳардан қайтган фарғоналик Д. Сидикжонованинг чўнтақларидан қиймати 2,5 млн. сўмдан зиёд бўлган 159 гр. оғирликдаги тилла ва кумуш тақинчоқлар чиққан.

Иккала қоидабузар ҳам заргарлик буюмларини белгиланган меъёрдан ортиқча ҳамда Т-6 шаклидаги

божхона баённомасида қайд этмасдан туриб олиб киришга уринишган.

Бақудан Тошкентга учаётган хоразмлик М. Кутлиева қиймати 11,3 млн. сўмдан ортиқ бўлган заргарлик буюмларини Тошкент халқаро аэропортидан яширинча олиб ўтишга ҳаракат қилган.

Дастлаб унинг қўл юклари орасидан, шахсий кўрик давомида эса ички кийимларидан ҳам жами 229 гр. тилла ва кумуш тақинчоқлар топилган.

Шунингдек, божхоначилар Туркиядан қайтаётган йўловчилар наманганлик М. Шамсидинова қиймати 10 млн. сўмдан ортиқ 210 гр. ҳамда самарқандлик Ф. Тураева салкам 16 млн. сўмлик 237 гр. тилла тақинчоқлар божхона баённомасида кўрсатмасдан олиб ўтишга уринаётганларида қўлга олинганлар.

Эслағиб ўтағиз, Ўзбекистон Республикаси ҳудудига жисмоний шахслар томонидан товарларни акциз солиғи солинмасдан олиб киришнинг чекланган меъёрларига

(Адлия вазирлигида 1998 йил 13 мартда 412-сон билан рўйхатдан ўтказилган) асосан акциз солиғи солинмасдан олиб кириш учун умумий оғирлиги 30 граммдан ошмайдиган қимматбаҳо металл ва қимматбаҳо тошлардан ясалган бештагача заргарлик буюмларига руҳсат берилади.

Ўрнатилган мазкур меъёрдан ортиқчасини олиб киришда эса жисмоний шахслар тегишли божхона тўловларини тўлаши талаб этилади.

Бундан ташқари, Адлия вазирлигидан 2004 йил 23 апрелда 1342 рақам билан рўйхатга олинган “Т-6 шаклидаги божхона декларациясини тўлдириш ва расмийлаштириш тартиби тўғрисида”ги Йўриқномага мувофиқ, божхона чегараларини кесиб ўтиш пайтида тўлдириладиган божхона баённомаларининг 5-бандида олиб ўтиладиган қимматбаҳо заргарлик буюмларининг микдори аниқ кўрсатилиши керак.

UZBEK.FM

ЎҚИТУВЧИ БЎЛГАНИМГА МИНГ ПУШАЙМОНМАН

Мен ўқитувчиман. Эндигина бир йил ишладим. Шу бир йил ичида тўрт йил ўқиганимга, ўқитувчи бўлганимга минг пушаймон қилдим.

Мактабда ўқиб юрганимда ўқитувчиларга ҳавас қилардим; зиёли, маданиятли, доим ўзига қараб, чиройли кийиниб юради. Шу ҳаёллар мени педагогика университетига етаклади.

Аллоҳга беҳисоб шукур — орзуларим ушалди. Бугун мен ўқитувчиман. Аммо орзуимдагидек эмас.

С е н т я б р д а н бошланди. Ҳамма пахтага! Бу янгилик эмасди. Кўпга келган тўй. Бирой пахтатерсак, ўлиб қолмаймиз. Аммо қутилмаганда янги буйруқ келди: Ҳамма пахтага, аммо ҳеч ким пахтага бормади, дарсини ўтсин... Асл мазмун-моҳият шундаки, ҳеч ким пахтага кетмай, дарсини ўтади, пахта планини ҳам бажаради.

Яъни пулини беради.

Мен Тошкент вилоятидаги мактаблардан бирида ишлайман. Хотиним ҳам ўқитувчи. Мен 600 минг, хотиним 300 минг ойлик олади (ўша пайт ҳали олганимиз йўқ). Ҳар бир киши учун 600 мингдан бериш керак. Энди ўйлаб кўринг, мен қандай қилиб хотиним ва ўзим учун 1 млн. 200 минг бера оламан. Бизда пул йўқ, пахтага кетамиз, деган эътирозларимиз қабул бўлмади. “Буйруқ шунақа, дарсингни ким ўтади? Пахтага кетиш мумкинмас, пулни беришинг керак”, дейишди.

Хайриятки, бир йўли бор экан, юқоридаги пулларни маошдан узиш мумкин экан. Октябр ойи эди адашмасам. Барча режалар бажарилиб, президентнинг табриги эълон қилинди. Ҳар ҳолда, энгил нафас олдик. Буни қарангки, орадан бир кун ўтиб, янги хабар келди: халқ таълими вазири ташаббус билан чиқибди. Халқ таълими ходимлари кўнгилли равишда яна ўн кун пахта териш бераркан... Буни қандай тушуниш керак — ҳайронман...

Барчаси ўтди-кетди. Терилмаган пахталар учун ўқитувчилардан миллиардлаб пуллар йиғилди.

Булар энди тарих бўла қолсин, юздан ортиқ газетага мажбурий обуна ҳам тарих бўла қолсин. Аммо бугунги кунга ҳам чидаб бўлмаяпти.

Шу ўринда бир савол қийнайди. Ҳеч тушунолмадим, ўзимизнинг мактаб ҳисобидан оладиган бўлсак, 50 ўқитувчи ва техник ходимдан пул йиғилди. Айтишларича, ўша пулларга пахта сотиб олиб, мактаб режасини бажаришибди. Хўш, биз ўша пулни бермаганимизда ўша пахталар давлатга топширилмай қолармиди?



Қарангки, уларда на виждон бор, на инсоф. Билъакс, бизни «зериктирмаслик учун» янги топшириқ юборишди: ҳамма хашарга! Қайсидир мактабда янги бино қуриляпти — 10 кунга 2 киши хашарга, қайсидир маҳаллада “намунали уйлар” қурилиши бошланди — бир ҳафтага 4 киши хашарга, қанақадир объектнинг очилиш маросимига вазир келади, бутун маҳалла ёғ тушса ялагудек бўлиши керак — 4 киши хашарга, магистрал йўлнинг 20 км қисми бизнинг мактабга тушган, тозалаш

керак ва ҳаказо... Бу хашарларнинг охири кўринмайди

Х а ш а р л а р н и н г яхши тарафи — ёш ўқитувчилар ўзи боради. Еши қатта ва аёл ўқитувчилар ўзининг ўрнига мардикор ёллайди. “Шунга ҳам шукур, пул ёнимга қолади-ку” деб, хашар деса, югуриб кетавердим. Бош омон бўлса, ҳар балони кўраркан.

Ахир барибир давлат ҳисобига кетади-ку ҳамма пахта. Унда биз нима учун пул бердик?

Пахтадан қутилгач, энди эркин нафас оламиз, маош чўнтакка, деб хурсанд юрувдим.

Буни қарангки, бизни янги сюрприз кутаётган экан. Мактабга мажбурий обуна бўлишимиз керак бўлган газеталар рўйхати келди. 100 ортиқ газета номи бор.

Ҳар бир газетага 2 тадан 10 тагача обуна бўлиш керак. Яна йиғди-йиғди бошланиб кетди. Шу билан ўқув йилининг ярмини емаган сомсаларимиз учун пул тўлаб ўтказдик.

Инсон табиатида “хижолат бўлиш” деган бир жихат бор. Бунинг маъносини тушунтиришга ҳожат йўқ, менимча. Агар юмшоқ креслода ўтириб, бизнинг ҳаётимизни хоҳлаганча бошқарадиган кишиларда шу туйғу бўлганда, янги йилдан кейин бироз танамизга шамол югуриши керак эди.

Чунки салгица виждони бор одам ўйлайди: “Ўқитувчини пахта деб қон қилдик, обуна деб жонига тегдик, энди уйига ҳам пул олиб борсин” деб.

Маҳаллаларга олиб бориб, кўчаларни тозалатишади, маҳалланинг одамлари эса тиржаиб бизни томоша қилишади... РайОНО вакилининг “тез-тез ишла”, деб сўкишлари аҳамиятсиз бир мавзу бўлақолсин...

Бу ерда бутун ўқув йили давомида жонимизга теккан яна бир муаммони айтмадим. Йиғди-йиғдиларнинг яна бир тури — жарималар. Ҳали СЭСдан келади, ҳали пожарнийдан келади, ҳали экологиядан келади — ҳаммаси жарима қилиб кетади. Кейин ким тўлайди — албатта ўқитувчи тўлайди.

Яқинда Зангиота туманида яшайдиган танишим билан гаплашиб қолдим. Айтишича, Зангиота зиёратгоҳи атрофидаги 60 дан ортиқ уй бузилаётган экан.

Поезд бекатидан зиёратгоҳ кўриниб туриши учун ўртадаги уйларни бузиб, йўл қилишаркан. Бунга ўқитувчининг нима алоқаси бор дерсиз?

Ўша уйларни бузишни ўқитувчилар зиммасига юклашибди.

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

Ҳар бир мактаб учун уйлар бириктирилибди. Нарсаларга эҳтиёт бўлиб, синдирмасдан бузишни тайинлашибди. “Пешонада шу ҳам бор экан, бировнинг уйини биров бузаркан, биз ишларканмиз-да” деб, ишни бошлашган маҳал уй эгаси келиб, қарғашга тушибди. Шундан кейин кимнинг қўли ишга боради?

Бу воқеадан кейин ўқитувчиларнинг суғлашганини кўрган юмшоқ кресло эгалари янги фикр ўйлаб топишибди: мактаблар ўзига бириктирилган уйга 6-7 тадан мардикор олиб келиб ишлатсин!

Бир ҳафтадан ошди, ҳар кун ўқитувчилардан пул йиғиб, мардикор олиб боришаркан.

Айтишига қараганда, ҳали бир ойлик иш бор...

Қанча ўйламай, бу ишдан ҳеч қандай мантқиқ тополмадим. Пахтани “умумхалқ иши”, “қўпга келган тўй” деб озимизни овутидик, обунани “ўзимизга фойда, ўқисак ўрганамиз” (гарчи ҳеч бирида жўяли, ўқийдиган мақола бўлмасадан) деб ўзимизни овутидик. Адоғи йўқ хашарларда “савоб” деб ўзимизни овутидик.

Хўш, бугун бировларнинг уйини бузиш учун пул тўлаётган ўқитувчи қандай овутисин ўзини? Бу очикчасига зулм-ку! Ўқитувчининг устидан кулиш-ку ахир...

Энди “таътилга кетишдан олдин маошни тўлиқ қилиб олиб кетасизлар”, деб далла берманг, аллақачон янги топшириқ келган:

пахта эгатларини юмшатиш учун чопикга 50 минг сўмдан... Ўқитувчининг мардикордан фарқи қолмади.

Тевадагилар учун биз ҳеч қандай ҳақ-ҳуқуқи йўқ, ҳар доим ҳамма ишга тайёр қулмиз, холос.

Бу сўзларим кимларгидир оғир ботса, узр. Аммо бу бугунги кунда аччиқ ҳақиқат. Яна ўйламанг, ҳали ёш, чидолмабди деб. Мен ишлаётган жамоанинг бирортаси ўз касбидан розилигини кўрмадим ҳали.

Булар фақат мактаб ташқарисидаги муаммолар. Ички муаммоларни ёзсак, бир китоб бўлади.

Пушаймон муаллим
Манба: ozodlik.org



касбий фаолият кiritилган. Улар:

1. Қон ва унинг таркибий қисмларини тайёрлаш ва уларга қайта ишлов бериш билан боғлиқ касблар.

2. Қон ва унинг таркибий қисмлари, сперма ва кўкрак сутини

Кенгаши билан келишилган.

Ўз навбатида эски рўйхатдан жой олган ташхис ва даволаш/профилактик муолажалар билан боғлиқ бўлган касблар (ошқозон ва ўн икки бармоқли ичакни зонд билан текшириш ва ичакларни ювиш, жанне шприци билан ювиш, аллергия текшириш, вакцинация, игна санчиш, тирик шахсларни суд-тиббийет экспертизасидан ўтказиш, тиббийет ва косметик асбобларни ювиш), тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича ишлар (жароҳат, яраларни боғлаш ва ювиш, куйган беморларга

ОИТС (СПИД) вирусини юқтирган шахслар ишлаши ман этилган касбий фаолият турлари рўйхати янгиланди

Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг буйруғи билан одамнинг иммунитет танқислиги вирусини юқтириб олган шахслар ишлаши ман этилган касбий фаолият турларининг янги рўйхати тасдиқланди.

Буйруқ 2014 йилнинг 28 апрелида қабул қилинган, 2014 йил 7 майда Адлия вазирлигидан рўйхатдан ўтган ва расмий эълон қилинган.

2014 йилнинг 12 май кунидан бошлаб кучга кирди.

Мазкур буйруқнинг қабул қилиниши билан 2001 йилда қабул қилинган №881 сонли “ОИВ/ОИТС (ВИЧ/СПИД) вирусини юқтириб олган шахслар ишлаши ман этилган касбий фаолият турлари рўйхати” ўз кучини йўқотди.

Янгиланган рўйхатга ОИТС вирусини юқтирган шахсларнинг ишлашлари таъқиқланган 9 турли

қабул қилиш билан боғлиқ касблар.

3. Гемотрансфузия билан боғлиқ касблар.

4. Қуйидаги тиббий муолажалар билан боғлиқ касблар:

инъекциялар;

диализ;

венесекция;

катетеризация.

5. Косметик ва пластик операциялар билан боғлиқ касблар.

6. Стоматологик муолажалар билан боғлиқ касблар.

7. Туғруқ билан боғлиқ касблар.

8. Аборт ва бошқа гинекологик операциялар билан боғлиқ касблар.

9. Соч ва соқол олиш, пирсинг, маникюр, педикюр ҳамда татуаж билан боғлиқ касблар.

Мазкур Рўйхат Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси

ёрдам кўрсатиш) халққа хизмат кўрсатиш ишлари муассасалари (янги туғилган чақалоқлар ва муддати етмай туғилган ҳамда оғир беморларни парвариш қилиш, мактабгача бўлган болалар билан ишлаш ва тарбиялаш), вакцина ва фармацевтик маҳсулотлар ишлаб чиқариш (дори маҳсулотлари, вакциналар, биомасулотлар ва косметик воситалар), контакт спорт турлари (бокс, кураш, шарқона якка кураш, қўл жанги) каби касбий фаолият турлари рўйхатдан чиқариб ташланган.

UZBEK.FM

“ERKIN YURT”

интернет-газетаси

Ўзбекистон Халқ Ҳаракати расмий

нашри

www.uzxalqharakati.com/erkin yurt

Мухаррир: Замир Малик